



## MILLIY MUSIQIY MEROSIMIZ - KATTA ASHULA SAN'ATINING HOZIRGI KUN YOSHLARI HAYOTIDAGI O'RNI VA UNI SAQLAB QOLISHGA DOIR MUAMMOLAR

**Muallif:** Yodgorova Maftunaxon Murodjon qizi <sup>1</sup>

**Affilyatsiya:** Xalqaro Nordik Universiteti “Musiqqa ta’limi” fakulteti 1-bosqich magistranti <sup>1</sup>

**DOI:** <https://doi.org/10.5281/zenodo.14383636>

### ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada katta ashula san'atining hozirgi kun yoshlari hayotidagi o'rni hamda yoshlarni mumtoz musiqamizga bo'lgan qiziqishini oshirishda musiqiy ta'limning ahamiyati yoritiladi.

**Kalit so'zlar:** Katta ashula san'ati, mumtoz musiqqa, hofizlik ijodi, Farg'ona vodiysiga xos uslub, yakka ovozlik, jo'rovoqlik

Биламизки, ҳозирги кунда ўзбек музика санъатига кўплаб янги жанрлар кириб келмоқда. Бу эса ёшларнинг турли давлатларнинг замонавий музикасига бўлган қизиқишини тобора ортишига сабаб бўлмоқда. Қайсидир маънода бу каби янгиликларни позитив қабул қилиш мумкин: закон билан ҳамнафас бўлиш, чет тилларига қизиқиш, янгиликларга интилиш ва интенсив даврда мослашиш. Масаланинг бошқа томони шундаки, ёшлар замонавий чет эл музикасига катта қизиқиш баробарида ўзимизнинг миллий музика санъатимиздан бироз узоқлашиб бормоқда. Бу борада миллий музика маданиятимизнинг бебаҳо бойлиги ҳисобланмиш Катта Ашула санъатининг ёшлар ўртасида тарғиб қилиниши муҳим аҳамият касб этувчи жараёндир.

Мазкур мақолада масаланинг айнан шу долзарб қисмига тўхталиб ўтилади. Катта ашуланинг буюк тарихи, унда ижод қилган катта устозлар ҳаёти ва ижоди ёритилиши билан бир қаторда ҳозирги кун музикасида катта ашула санъатини ўрганиш ва тарғиб қилиш нақадар муҳим жараён эканлиги тушунтирилади. Бу эса келгуси авлод ёшларида қизиқиш уйғотишга, уларнинг маданий билимларини оширишга, музикавий саводхонлигини ва савиясини шакллантиришга хизмат қилади. Қатор мамлакатларда мактаб ҳамда мактабдан ташқари ташкил топган ўқув жараёни, унинг шакл ва усуллари шубҳасиз, катта қизиқиш уйғотмоқда.

Жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида ёш авлодга музикавий тарбия бериш ишлари умумдавлат аҳамиятга эга бўлиб, шахсни шакллантиришнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Ҳар бир мамлакатнинг музика тарбияси ғоявий-сиёсий жиҳатдан халқнинг сотсиал тузумига хизмат қилади. Ҳар бир халқнинг маорифида музика тарбияси методикаси педагогиканинг дидактик қонуниятларига ва шу халқнинг миллий музика маданияти, тили ва маданий анъаналарига асосланади. Шу билан бирга музика тарбиясининг структураси, системаси (тизими) ва илмий-

методик ютуқлар бошқа миллатнинг маърифий маданиятига ҳам ижобий таъсир этади. Жамиятимиз тараққиётида маънавий ва жисмоний соғлом авлодни тарбиялаш бугунги кунда бизнинг энг устувор вазифаларимиздан бири саналади. Зероки қатор айтилган бу фикрлар замирида ҳар доимгидек ёшлар туради, сабаби уларнинг бугунги кундаги олган таълим- тарбияси нафақат ўзлари учун балки юртимиз тараққиёти учун энг муҳим пойдевордир.

Ҳурматли Президентимиз Шавкат Мирзиёев бежизга “Агар мендан сизни нима қийнайди” деб сўрасангиз, “фарзандларимизнинг таълим ва тарбияси деб жавоб бераман” - деган пурмаъно фикрлари фикримиз яққол далилидир.

Биз яшаб турган жамият тараққиётида мусиқанинг, айниқса катта ашула санъатнинг ўрни беқиёсдир. Ҳар бир миллат ва элатларни бирлаштирадиган анъаналаримизни мустаҳкамлайдиган ҳам мана шу санъат ҳисобланади. Ҳар қандай кўнгилни ўзига ром эта оладиган, инсонларни қалбига эзгулик уруғини экиб бошқа ёмон иллатларга қарши курашадиган ҳам катта ашула санъати десак муболаға эмас. Шу ўринда ўз-ўзидан сезилиб турибдики катта ашула санъати қанчалик беқиёслиги ҳамда тарбиявий жиҳатдан ҳам катта аҳамиятга эга эканлигини.

Мусиқанинг инсон руҳиятига таъсир қилиш борасида кенг имкониятлар қадимданоқ мусиқашунослар, мутафаккирлар ва олимлар диққатини ўзига жалб қилган. Улар мусиқа санъатининг инсонларни шахс сифатида шаклланишига таъсир қиладиган хусусиятларини аниқлашга урунишган. Дарҳақиқат жаҳон фани равнақида улкан ҳисса қўшган буюк аждодларимиз комил инсонни тарбиялашда мусиқанинг ўрнини чуқур англаб, шахс камолотидаги аҳамиятини ўз асарларида, педагогик қарашларида тадқиқ қилиб бизга беқиёс манбалар қолдирганлар. Буюк мутафаккирлар Ал Форобий, Абу али Ибн Сино, Абдулқодир Мароғий, Шарафиддин али Яздий, Маҳмуд Қошғарий, Аҳмад Югнакий, Садий Шерозий, Абдурахмон Жомий, Кавкабий, Дарвешали Чангий, Комил Хоразмий, Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур каби алломаларнинг қатор асарларида келтирилган мусиқага оид маълумотлар бугунги кунда ўз илмий, назарий ҳамда тарбиявий жиҳатдан ёш авлодни тарбиялаш жараёнида энг долзарб ва энг керакли маба эканлигини кўришимиз мумкин.

Ўйлашимча мусиқа тарбиясини аввало оиладан бошлаш энг маъқул йўл саналади. Сабаби шундаки мусиқага қизиқиш оиладаги муҳитга жуда боғлиқ. Агар оилада ўзаро санъатга бўлган муносабат юқори руҳда, баланд иштиёқ ҳамда ҳурматда бўлса болада ўз-ўзидан қизиқиш, ижтимоий- психологик муҳит пайдо бўлади. Маълумки яхши оилавий муҳитда тарбияланган боланинг ҳаёт ҳақидаги турли воқеа-ҳодисалар, урф-одат, маданят ва санъатга оид таассуротлари кўпинча ижобий кечади. Оиладаги бирликда телевизор кўриш, концерт томоша қилиш, театр томоша қилиш ва ўз таассуротларини ўртоқлашиш каби мулоқотлар болалар дунёқарашини ўстириб, ҳаётини воқеаларни акс эттирувчи адабиёт, санъат мусиқани моҳиятини тушуниш ва бадиий идрок этишга олиб келади. Хусусан энг аввало мусиқага оилавий муҳити йироқ бўлган болаларни қизиқтиш учун ҳам ва қизиққан болаларни янада дунёқарашини ошириш учун ҳам ўрта таълим мактабларида, Мактабгача таълим муассаларида санъат усталари билан ижодий учрашувлар кўнгилочар тадбирларни ташкиллаштириш уларнинг мусиқа

хақидаги тасаввурларини кенгайтириш, ўқувчи ёшларнинг қизиқишини ўстириб, бўш вақтларини беҳуда сарфламасликларини олдини олишимиз мумкин. Бежизга давлатимиз раҳбари Ш. Мирзиёев бугунги кунда юртимизда амалга оширилаётган: “Беш муҳим ташаббус”ни жорий қилмаганлар. Айнан шу беш ташаббусимизнинг биринчи йўналиши мусиқа ва санъатга бағишланган. Мана шундан ҳам кўриниб турибдики мусиқанинг ёш авлод тарбиясида ўрни катталигини.

Шу ўринда яна бир фикрни айтиб ўтиш жоиздир. Муҳтарам биринчи Президентимиз И.А.Каримов ўзининг “Юксак маънавият енгилмас куч” асариди: “Енг муҳими бугунги кунда мусиқа санъати навқирон авлодимизнинг юксак маънавият руҳида камол топишида бошқа санъат турларига қараганда кўпроқ ва кучлироқ таъсир кўрсатмоқда”, - деб мусиқа санъатининг ёш авлоднинг маънавий баркамол бўлиб етишишидаги муҳим аҳамиятини таъкидлаб ўтганлар. Кўпчилик яхши биладики, эртақларда қаҳрамон мусиқа орқали улкан дев ёки илонни сеҳрлаб, унинг чангалидан ўзи ёки севган қизини халос этади. Бундай воқеалар ривожидида мусиқа орқали ифодалаб, очиб беради. Чуқурроқ назар ташлайдиган бўлсак, бунинг замирида мусиқанинг кўнгилни эзгуликка ундовчи санъат экани ўз аксини топган.

Мусиқа ашула ва рақс таркибида ҳам вужудга келади. Кейинчалик эса бадиий ижоднинг турига айланади. У ўта ўзига хос бадиий ифода “тил” ига эга бўлиб махсус ишлаб чиқилган ва танлаб олинган товушлар ана шу “тил”нинг манбаъидир. Албатта мусиқа шахсни шакллантириш, унинг ижобий фазилатларини ўз-ўзидан белгилаб бермайди. Биз айтмоқчи бўлган фикр шундайки мусиқанинг ғоявий мазмуни нафақат ёш авлод балки бутун инсоният тарбияси билан боғлиқдир. Болалар томонидан мусиқанинг идрок этилиши аввало миллий мусиқамизни идрок этишдан бошланиши лозим. Миллий истиқлол шарофати билан миллий мусиқий меросимизга миллий-маънавий кадрларимиз қаторида алоҳида эътибор берилди. Эндиликда биз халқимизнинг ажойиб, хилма-хил ва бир биридан гўзал маҳаллий мусиқий анъаналарини тинглаб идрок этиш ва улардан маънавий завқ олиш, руҳий баҳраманд бўлиш имконига эга бўлдик.

Миллий мусиқа халқимиз бой маънавиятининг, баркамол руҳиятининг садолардаги гўзал бадиий ифодаси бўлиш билан бир қаторда янги, буюк давлат бунёдкорлиги йўлида тинмай меҳнат қилатотган халқимизга, жамиятимиз маънавий руҳий қувват бағишловчи муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Мусиқанинг ана шундай ўткир тарбиявий кучидан фойдаланиш, санъат воситасида ёш авлоднинг маънавий дунёқарашини шакллантириш, уларда юксак ахлоқий сифатларни тарбиялаш умумтаълим мактаблари зиммасидаги энг муҳим ва доим долзарб бўлган вазифалардан биридир. Давлатни ижтимоий-иқтисодий, маданий ва маънавий жихатдан ривожлантириш ҳамда мустақиллигимизни янада мустаҳкамлашда ўтмиш меъросимиз миллий мусиқа меросимиз ўрни алоҳида.

Ўзбекистон давлат консерваторияси профессори, санъатшунослик фанлари доктори устоз Рустам Абдуллаев айнан миллий ур-одатларимиз, санъатимиз (лапар, ўлан, катта ашула) жанрлари ҳақида кўплаб манбалар тўплаб, мақолалар ёзиб халққа етказган. Профессор Р. Абдуллаевнинг айтишича, Катта Ашула XV-XVI асрларда пайдо бўлган. Катта ашуланинг ривожланиб, халққа манзур

бўлишида мумтоз шеърятимизнинг аҳамияти катта бўлган экан. XX асрга келиб анъаналаримизнинг катта ашула жанри ривожланиб кетди. Мустақиллик эса катта ашула жанрига иккинчи қанотни бериб яхши ривож топишига кенг йўл очиб берди. Санъатшунослик фанлари доктори устоз Рустам Абдуллаевнинг сайи ҳаракатлари билан катта ашула жанри ЮНЕСКОнинг умумжаҳон маданий мерослари таркибига кирган. Айнан ҳозирги ёш истеъдод эгаларидан катта ашула йўналишига қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Катта ашула жанрида ҳонанда кенг диапазонлик овозга, яхши эштиб, тоза пардаларда куйлаш ва тўғри нафас олиб матн бўғинларига тақсимлай олишга эга бўлиши керак.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, муסיқа тарбияси шахс сифатида шаклланаётган болаларнинг қалбида миллий руҳни камол топтириш, маънавий ва ахлоқий маданиятни муסיқий дидни шакллантириш, муסיқий тасаввурларини янада бойитиш ҳамда уларда ватанпарварлик, инсонпарварлик туйғуларини, ташаббускорлик қобилятларини камол топтиришдир. Ўтган асрда урф бўлган катта сайлларимизни, айниқса, улкан қурилишлар, хусусан, Катта Фарғона каналининг бунёд этилиши эсласак, минглаб одамлар кенг очиқ майдонга жам бўлган, ҳофизларнинг овози эса ҳаммага етиб борган. Хатто одамлар ишлаши вақти давомида ҳам катта ашула тинимсиз ижро этилаверган. Тўғри, собиқ совет тузуми мафқурачилари ундан ғоявий қурол сифатида фойдаланишиб, гоҳо ижро этилган катта ашулаларнинг сўзларини сиёсийлаштиришгани ҳам рост. Бироқ барибир халқ катта ашула санъатидан яхши ҳордиқ олиб, мазза қилиб тинглаган. У пайтларда овоз кучайтиргичлар ва турли хил микрофонлар бўлмаган.

## FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI

M.Mirziyoyev Sh. Buyuk kelajagimizni mard va Oliyjanob xalqimiz bilan birga quramiz. – T.: O'zbekiston, 2017

Karimov I.A. "Yuksak ma'naviyat engilmas kuch" Ma'naviyat 2008

Abdullayev R. "Katta ashula san'ati" ilmiy maqola